

Узоқ йиллар давомида "Ватан", "юрт" сўзларининг асл маъносини ешларимиз онгига тўла маънода сингдира олмадик. Ёлгон тарихдан сабоқ бериб, бу сўзларнинг нақадар буюклигини ҳис этишдан уларни марҳум этдик. Мустақиллик эса ҳаммасини ўз изига солди. Бугун болаларга биргина сўзларнинг эмас, ўз тупроғимиз, юртимизнинг буюклигини, унга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз ва уни севишимиз кераклигини тушунтира бошладик. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий мафқуранинг ўзи нималигини тушунтириш ва унга эргашиш бугунги кунимиз ва келажакимиз учун жуда муҳимлигини улар онгига етказа оладиган вақт келди. Бу ишни амалга ошириш учун эса тарбияни мактаблардан бошлаш керак. Шу сабаб ҳам мактабларда, боғчаларда Ватан, ўз

юртига садоқат мавзудидаги кеча ва мушоираларни ўтказиш яхши натижалар беришини ўз тажрибамизда синаб кўрдик. Йил давомида мактабимизда ана шу мавзуда бир қанча кечалар ўтказдик. Яқинда эса мактабимизда Нурота тумани

билдирди. Музокаралардан сўнг мазмунли фикрлари билан яқунлади. Кенгашнинг амалий қисмига ўтилди. Кенгашга йиғилганлар шу кунни мактабда Бунда кенгаш иштирокчиларига биз ўтказилган "Кувноқ стартлар" тажрибамизда жуда кўп синалган, мусобақасида ҳам иштирок этишди. Улар болаларга жуда маъқул бўлган услуб — бу мактабда ҳар бир тадбир ва ҳар бир тарбиявий соатларнинг ўтказилишини дарс соати бугунги кундаги энг муҳим

маънунли фикрлари билан яқунлади. Кенгашга йиғилганлар шу кунни мактабда ўтказилган "Кувноқ стартлар" мусобақасида ҳам иштирок этишди. Улар бу мактабда ҳар бир тадбир ва ҳар бир дарс соати бугунги кундаги энг муҳим

«ВАТАННИ СЕВМАК — САОДАТДИР»

мактабларининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни ўтказишдан асосий мақсад ҳам, унинг мавзуи ҳам Ватанни севмак ва болаларни ана шу руҳда тарбиялаш, бу ишда мактабларнинг тутган ўрни эди. Шу сабаб кенгашда сўз олган 43-мактаб ташкилотчиси И. Каримовнинг "Ўзбекистон — келажак буюк давлат" рисоласи юзасидан ўз фикрларини

намоиш этдик. Улар ўша кунга мўлжалланган II-"Б" синфининг "Ватанни севмак — саодатдир" тарбиявий соатида иштирок этдилар. Бир соат давомида битирувчи синф ўқувчилари Ватан ҳақидаги ўз фикрларини, тушунчаларини билдиришди, шеър ва монологлар айтишди, савол-жавоблар ўтказишди. Тарбиявий соатни шу синф раҳбари Шакарбек Қозоқов она юрт ҳақидаги

масала — болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилганлигига амин бўлдилар. Мактабимиз ўқитувчиларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари эртага яхши натижа беришига, ўз Ватанига содиқ фарзандлар етказиб беришига ишонамиз.

Турсун ИСМОИЛОВ,
Навоний виллояти, Нурота тумани,
"Қизилча" давлат хўжалигидаги
22-мактабнинг ўқитувчиси.

Жаҳон болалар ташкилотларида

Яқинда Женевадаги скаутлар ҳаракатининг Бутунжаҳон ташкилоти штаб-квартираси вакили Жан Касильон Тошкентга меҳмон бўлиб келди. Скаутларга жуда кўп мамлакатлардаги болалар бирлашган бўлиб, бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу ҳаракатга эргашган гуруҳлар оз эмас. Шу сабаб биз меҳмондан ушбу ҳаракат тарихи, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

СКАУТЛАР — МУСТАҚИЛ БОЛАЛАР

— Буюк Британиянинг ўзларининг биринчи Броунси оролида истиқомат қиладиган Роберт Баден Пауэл исмли лорд 1907 йилда 20 га яқин болакайларни йиғди, — дея сўзлай бошлади Жан Касильон. — Улар асосан лорднинг қариндош-уруғлари, еру дўстларининг фарзандлари бўлиб, уларнинг келиб чиқиши, тарбияси ва иқтисодий шароити турлича эди. Етакчининг тузган режасига кўра, ҳар бир бола ўрмонни қандай билиши, кузатувчанлиги, чидамлилиги ва эҳтиёткорлигини намоиш эта олиши керак эди. Болалар палаткаларда яшадилар. Улардан биттаси соқчиликда турар, биттаси тунашга жой ҳозирлар ва қолганлари егулик тайерлашар эди. Худди шу ерда скаутлар

нишонларини — сиёҳ ранг асосга чизилган лилия гулининг уч баргини ўйлаб топишди. Нишонни улар Кутб юлдузига ўхшатишди. Чунки қадим замонларда лилия гулининг уч гулбарги шимолни, Кутб юлдузини кўрсатувчи компасни билдирар эди.

Лилия гулининг уч барги — скаутлар қасамёдининг нишони, баргларнинг учи компаснинг кўрсаткичларига ўхшайди. Улардаги икки юлдуз табиатдаги ҳаёт ва ҳақиқатни англатади. Юлдузчаларнинг ўн қирраси эса скаутлар қонунининг ўнтасидир.

(Давоми 3-бетда).



Уйда ҳеч ким йўқ пайтларида у ойсининг, опасининг кийимларини кийиб, пардоз кутисидан хоҳлаган бўёғини олиб суриб, соатлаб ойна олдида туриши ва ўзини минг хил оҳангга солишини ўзига яқинларидан бошқа ҳеч ким билмайди.

«ПАРДОЗ ҚИЛИШНИ ЯХШИ КЎРАМАН» — дейди Ситора Тўлаганова».

2-БЕТ.

Лилия гулининг уч барги — скаутлар қасамёдининг нишони, баргларнинг учи компаснинг кўрсаткичларига ўхшайди. Улардаги икки юлдуз табиатдаги ҳаёт ва ҳақиқатни англатади.

«СКАУТЛАР—МУСТАҚИЛ БОЛАЛАР»

1-3 БЕТ.

Бухорон Шарифда унинг кўриниши бошқача. Қиз яшаб келган оstonадан чиқар экан, энг биринчи отасининг кўксига бошини қўйиб, фотиҳа сўраб йиғлайди.

«ҚИБЛАҒОҲЛАР»

4-БЕТ.



Кўғирчоғим ҳам ўтирсин...

Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат.

ПОКЛИК ВА ЭЗГУЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, Юнеско Халқаро ташкилоти томонидан ўтган йил — Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинган. Йил тугаса-да, адабий учрашувлар ҳамон давом этмоқда. Яқинда пойтахтнинг Гилиер номидаги махсус мусиқа мактабида она тили ва адабиёт ўқитувчиси У. Ғ. Қодиров бошчилигида Туркистон элининг шайхулмашойихи Аҳмад Яссавийга бағишланган кеча ўтказилди.

Ўқувчилар унда Яссавий ҳикматларидан намуналар айтишди, Камола Шожалилова, Замира Орипова эса шоирнинг "Ҳақ зикрини тилдан қўйма", "Нодон бирла улфат бўлма" шеърларига басталанган

мусиқаларни намоиш этишди. Айниқса, 6-синф ўқувчилари томонидан тайёрланган "Муножатнома", Васиятлар", шунингдек, Камола Шожалилова, Замира Орипова ижросидаги шоирнинг ҳикматли қўшиғи залдагиларни руҳлантириб юборди.

Поклик, показлик, саховат ва эзгуликни тараннум этувчи А. Яссавийнинг ижодига бағишланган адабий кеча барчада катта тассурут қолдирди.

Кеча сўнггида голиблар мукофотланди.

Наргиза ИБРАГИМОВА,
9- "а" синф ўқувчиси.

Кичкина одам билан катта суҳбат

У туғилганида оила қувончи бутун оламга татигулик эди. Энди бўлса, бутун олам қувончи унинг кўзларида, ҳаракатларида, сўзларида акс этаётгандек.

Ким билибди дейсиз, бу пучуққина қизча ўзининг пиқирлаб кулишлари, самимий ажабланишлари билан ҳамманинг эътиборини қозона олишини.



Бу — Ситора Тўлаганова.

Бу ўша — "Томоша" студиясида Достон билан "Бир қараб қўй" қўшиғини одамлар дилига завқ билан етказа олган. Бу ўша — "Наштар" да магазинчи амакини математика масаласи билан "жинни" қилаезган, болалар боғчасининг ҳомийси сифатида ароқ омборхонасини инқирозга учратган. "Тутинган сингил" бадиий фильмида кадрда ва кадр ортидан ўзининг маҳоратини тўлалигича акс эттира олган дўмбоққина, ширингина, сочлари узунгина қизалоқ.

Ситора ҳозир 2-синф ўқувчиси.

Бола ширин — ўздан тили ширин.

— Ситора, мактабда сенга қандай муносабатда бўлишади, ҳаммадекми, ёки...

— Ёки... — Ситора қиқирлаб кулиб юборади. — Ҳаммадан ҳам мени мактабимизнинг ошпази яхши кўради. Баъзида менга шўрвани гўштлуроқ қилиб сузиб берадилар. Қизларнинг ҳам менга ҳаваси келади, чунки

телевизорда кўп чиқаман-да.

— Қани айтгин-чи, биринчи марта сени телевидениега ким олиб борган?

— Ойим, ойимлар олиб борганлар. Мен рақс тушишни яхши кўраман. Кичкиналимга дам музика бўлса бўлди, ўйнаб кетаверар эканман. Шундан кейин ойимлар мени "Томоша" студиясига олиб бордилар.

— Шундан кейин сени кинода ўйнашга таклиф қилишдими?

— Йўқ. Биз Москвага фестивалга борганимизда мен марказий телевидение орқали интервью берганман.

"Пардоз қилишни яхши кўраман"

— дейди Ситора ТўЛАГАНОВА

— "Томоша"дан боргансизлар-да.

— Ҳа. Ушанда мени "Ўзбекфильм"даги Мухтор ака Мирзаев кўриб, ёқтириб қолибдилар. Тошкентга келганимиздан кейин тезда шу қизни топиб келинлар, дебдилар. Роса қидиришибди, суриштиришибди, мен бўлса Мазлума холамнинг жиянлари эканман.

Ситоранинг холаси Мазлума Пўлатова анча йиллардан бери "Ўзбекфильм"да продюссер бўлиб ишлайди. Мазлума опани "Ўзбекфильм"да танимайдиган режиссер, уни ҳурмат билан тилга олмайдиган киноактерни учратиш қийин.

Буни қарангки, Мазлума опа шундай талантни "беркитиб" юрган экан, жазосига энди ҳар сафар Ситорани съемкага ўзлари олиб боради.

— Ситора, кинода ўйнаш мазами, мактабга боришми?

— Кинода ўйнаш. Менга бир хилда кўпгина музқаймоқлар олиб беришади, эркалатишади, яхши кўришади. Мен ҳам уларни яхши кўраман.

— Кинода ўйнаётган пайтингда энг

эсингда қолган воқеа қайси?

— Мени "Тутинган сингил"га "проба"га таклиф этишган. Шунда дадаси ролига Ивор Кальниш деган актёрни ҳам чақиришган экан. Мен югуриб бориб, уни кучоқлаб ўпиб, қўйиб юбормаганман, уни жуда яхши кўриб қолганман. Чунки ундан яхши ҳидлар келиб, қўйворгим келмаган.

Ситора ҳали кичкина. Эндигина 8 ешда. Лекин у катталар даврасини жуда яхши кўради. Ойиси, дадаси ва опаси Севаранинг жони дили. Ситора уйда бўлмаса, ошлада зерикарли бўлиб, жимжитлик ҳукм суради.

Кези келганда Ситорани жуда жиддий ҳолатда учратиш мумкин. Ҳар бир янги роль устида Ситора катталардек мулоҳаза юритади, ўз фикрини билдиради ва жоиз топган кадрларни ўзига мослаб ўзгартиришларига муваффақ бўлади. Режиссерлар шунинг учун ҳам "Наштар"нинг ҳар бир сонига Ситорани таклиф қилишади ва иложи борича унинг "инжиқликларини" кўтаришади.

— Ўқишларинг яхшими ёки кино билан овора бўлиб, баҳоларинг пасайиб кетдими?

— Йўқ, баҳоларим ҳаммаси "5". Ҳар куни уйда дарс қиламан.

— Қайси фанни кўпроқ яхши кўрасан?

— Инглиз тилини.

— Сизларда 2—синфда чет тили дарслари бўлмайди-ку?

— Бизнинг синф чет тилига ихтисослашган. Шунинг учун биз инглиз тилини ўтаемиз. Мен озгина инглиз тилида гаплашишни ҳам биламан.

— Дам олишга, кинога боришга ҳам вақтинг бўлмаса керак. Дарс, съёмкалар...

— Мен кинога боришни ёмон

кўраман. Музейга бориш эса — жону дилим. Ойимлар дам олиш кунлари иккаламизнинг вақтимизга қараб музейга олиб борадилар. Бошқа кунлари бўлса дарсдан кейин Севара опам билан таэквандога борамиз.

— Беҳазил?

— Рост. Адамлар мени олиб борган эдилар. Мендан бошқа қиз болалар йўқ экан. Кейин Севара опам билан бирга борадиган бўлдик.

— Қалай "уришиш"ни ўрганиб олдингми?

— У ерда уришишни эмас, ўзини-ўзи ҳимоя қилишни ўргатишади.

Ҳа, кичкина қизчанинг жавоби шу.

Яна ўйламанг у фақат ўйлайди, музейга боради, унда унинг болалиги қайда, деб. Уйда ҳеч ким йўқ пайтларда у ойисининг, опасининг кийимларини кийиб, пардоз қутисидан хоҳлаган бўғини олиб суриб, соатлаб ойна олдида туриши ва ўзини минг хил оҳангга солишини ўзига яқинларидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Бу кичкина оҳу — пушти рангени, шоколад, музқаймоқ, яна спагеттини яхши кўради.

— Қайси касб эгаси бўлишни хоҳлайсан?

— Ҳали ўйлаб кўрмадим.

— Актриса бўлиш орзунг эмасми?

— Йўқ. Менга кинода ўйнаш ёқади, лекин актриса бўлмоқчимасман катта бўлганимда.

— Тасаввур қилгин, дунёдаги ҳамма болалар сенга қараб туришибди. Уларга нима дердинг?

— Ҳамма кулсин, дердим. Дунёдаги ҳамма болалар кулиб юришсин. Ушанда катталар ҳам хурсанд бўлишади.

Бир қараса жиддий, бир қараса "шайтон" қаҳрамонимизнинг жавоби мана шунақа.

Ситора Тўлаганова 1994 йил фильмларида суратга тушиш учун ҳам буюртмалар олиб бўлган. Юлдузи порлоқ, йўли еруғ бу қизга яна нималарни ҳам тилаш мумкин.

Йўлларингда муваффақият чироқлари ҳеч ҳам ўчмасин, Ситора!

Нилуфар УМИРЗОҚОВА,
ТошДД талабаси.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Бокс чиндан ҳам ҳақиқий эркалар спорт. Сўзининг асл маъноси ҳам шуни билдириб туради, бокс — зарб уриш, мушт маъносини англатади. Ичи юнгли, қаттиқ қўлқоп кийиб, махсус қондаларга риюя қилган ҳолда ик-

жаҳонга ёйила бошлаган. XIX асрнинг 90-йилларига келиб у Россияда ҳам кенг оммавийлашиб борди ва 1904 йилда биринчи замонавий Олимпия ўйинлари дастурига киритилди. Ўзбекистонда ҳам бокс қадимдан

қилинади. Кучни Дми́триев, Руфат Рискиев, Р. Номозов, А. Хромовни ана шулар мақсадида жумласидан десак адашмаймиз. Агар шуларнинг ҳар биридан алоҳида "Бокс нима?" деб сўраб кўрсангиз, уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил жавоб бериши тайин:

Бокс — заковат, фаросат, сезгирлик, чакқонлик, куч ва ақлий теранлик талаб қилувчи спорт тури. Бокс асаби бўшлар учун эмас" дейишади.

Улутбек АҲРОРОВ.

БОКС — АСАБИ БЎШЛАР УЧУН ЭМАС

ки спортчининг муштлишиши — бу бокс. Яккама-якка олишувнинг ушбу спорт тури бундан беш минг йил муқаддам Миср ва Бобилда расм бўлган. Томошабинларга маъқул бўлган бу олишув кейинчалик бокс номи билан Юнистоннинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. Шу билан бир қаторда бу спорт тури Европада ҳам тарқала бошлаган. XVIII аср бошларида Англияда бокснинг қўлқопсиз тури пайдо бўлган. Кейинчалик ўйиннинг қондалари шаклланиб, 1867 йилда қўлқоп кийиб муштлишининг биринчи қондалари тасдиқланган.


Спортнинг бу тури тобора

маълум. Ибн Сино асарларида мушт билан олишиш машқлари кишини соғлом ва бақувват қилиши ҳақида ёзилган бўлса, Бобурнинг "Бобурнома"сида у ўз аскарларини мушт билан уришишга ўргатганлиги ва бу олишув Бобур даврида жуда расм бўлганлиги айтиб ўтилади.

Ойнай жаҳон орқали спортнинг бу тури бўйича курашларни томоша қилганлар яхши билишади: бокс 6х6 метр катталиқдаги атрофига арқон тортилган супа — рингда ўтказилади. Боксчилар рақиблари билан 3 минутдан 3 бора (раунд) олишади. Ҳар раунд орасида бир дақиқадан танаффус эълон

йиқилган рақибни уруш, беддан пастга мушт тушириш каби қондаларга спортчилар қатъиян риюя қилишади.

Бокс шинавандалари спортнинг бу тури бўйича юлдузлик чўққисига эришган кўпгина машҳур кишиларни билишади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Вильсон, Тейлор, Жонсон, Том Сайерсларнинг номи спорт оламида танилиб турди. Улар рингга чиққанда бу олишувни кўриш учун бутун Европадан ишқибозлар йиғилар эди. Асримиз бокс ишқибозларини ларзага солган спортчилар ҳам оз эмас. Муҳаммад Али, Ричардс, Мартинес, Стивенс, Кошқин,





Ватан

ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Янги йилнинг бошидан халқимизни қувонтирадиган кўпгина хабарлар тарқалди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ҳар йили 14 январ Ватан ҳимоячилари куни сифатида байрам қилинадиган бўлди.

Маълумки, авваллари собиқ Советлар мамлакатига 23 феврал Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти куни деб тантана қилинарди. Бу улкан давлат эмирилгач, ҳар бир Республика ўз миллий Куролли Кучларини ташкил этди. Ўзбекистон ҳам бунга эга бўлди. Ва, ниҳоят, 14 январ Ватан ҳимоячилари куни деб белгиланди. Ушбу куни миллий қўшимизнинг барчасида илк бор тантана қилинган байрам катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Бу байрамнинг Миллий Куролли Кучлари куни еки бошқача эмас, айнан Ватан ҳимоячилари куни деб аталиши сабабини биласизми? Зеро, бу байрам нафақат ҳарбий ака-амакилар, балки ўзини юртимизнинг асл ўғлон, ҳимоячиси деб билган барча ёшу қарининг ҳам байрамидир. Хотин-қизлар куни байрам қилинаётганда "аразлаган" болалар хафа бўлишмасин — энди уларнинг ҳам байрами бор!

ЖАҲОН БОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИДА

(Боши 1-бетда).

Нипоннинг яна бир элементи — арқон. Ўз лилия барглари ўраб, учлари маҳкам боғланган. Бу эса бутунжаҳон ҳаракатининг бирлиги ва биродарлигини англатади.

Бугунги кунда скаутлар ҳаракати Ғарбий ва Шарқий

ёшлар ҳаракатига айланади, деб ҳисобламоқда. Шимолий Кореяда скаутлар ҳаракати йўқ. Куба революциясининг деярли барча партизанлари скаутлар бўлганлигига қарамай, бугунги кунда Кубада ҳам бундай болалар ҳаракати мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакатда ҳукумат томонидан тан олинган ва

беришлари мумкин.

Скаутлар ўз олдиларига қўйган мақсадларини улар амал қиладиган принциплардан билиб олиш мумкин: ўз олдидаги бурчи — у хатти-ҳаракати ва ўз дунёқароши, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ўзи жавобгар. Бошқалар олдидаги бурчи —

кўришади. Аммо улар болаликларининг энг гўзал, ўқиб-ўрганадиган, ҳаракат қилиб бирон ишга эришадиган даврларини бой беришаётганини сезишмайди. Скаутларга бир назар ташласангиз улар бошқаларга нисбатан ҳаракатчан, тийрак эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Чунки улар кўп ишлашади, табиат қўйнида кўпроқ бўлишади, ҳаётнинг ҳар бир кунини байрам деб ҳисоблаб, ундан кўпроқ

СКАУТЛАР — МУСТАҚИЛ БОЛАЛАР

Европанинг барча мамлакатларида фаолият юритмоқда. Уларнинг энг яхшиларидан бири Япониядир. Тайван скаутлари, Макау, Гонгкон, Индонезия, Покистон скаутлари ҳам бор. Скаутларнинг 40 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Бу асосан араблардир. Фақатгина Эрон билан бироз келишмовчиликлар мавжуд. Диннинг кучлилиги ҳаракатнинг ривожланиб кетишига бироз тўсқинлик қилмоқда эди. Аммо яқинда Аятулла скаутлар ҳаракатини ўз назоратига олди ва у бу ҳаракат келажакда миллий

рўйхатдан ўтган ягона миллий ташкилот мавжуд. Бутунжаҳон ташкилоти аъзоси бўлишнинг асосий талабларидан бири ҳам шу. Кўпчилик мамлакатларда скаутлар ўзларини ўз миллийликларига яқинлашган ҳолда турлича номлашади (мисол учун Индонезияда "промука" деб аташади).

Жаҳондаги 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшларнинг 2,6 фоизи скаутлар ҳаракатига аъзо бўлишган. Скаутинг ҳукумат ва турли партиялар сиёсатидан ҳоли. Шу билан бирга ҳукумат ташкилотлари ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда скаутингга ёрдам

бурчи — скаут диний нашида олишга интилишади. Скаутларга хос бўлган қарашларни ҳурмат қилади. Агар билсангиз жаҳонга танилган жуда кўп фирмаларнинг — "Сони", "Кока-кола" кабиларнинг президентлари болаликларида скаутлар ҳаракатига аъзо бўлишган экан. Улар бугунги кунда ҳам бизларни унуттишгани йўқ. Ўз маблағларидан айрим қисмини Бутунжаҳон скаутлар ҳаракатига ўтказиб туришади. Мен бу билан нима демоқчиман. Ҳозирги кунда, болалар, ўсмирлар юмшоқ ўриндиқларга ёнбошлаб олиб телевизор кўришни бошқа барча ишлардан устун

нашида олишга интилишади. Скаутларга хос бўлган ҳислатлардан яна бири — мустақиллик. Мисол учун уларнинг бирига биттагина гугурт дона берилади. Агар у шу гугурт дона билан гулхан ёқа олса, у ўз мақсадига эришган бўлади. Акс ҳолда у шу тунда гулхан ёқа олмай, совқотиб чиқади, эрталаб эса ўзи учун нонушта тайёрлай олмайди. Хуллас, ушбу болалар ҳаракати ёшларни келажакка, мустақил ҳаётнинг барча яхши-ёмон, осону қийин кунларига тайёрлаб, унинг ички дунёсидаги инсонга хос энг эзгу ҳислатларни камол топтириб боради.

ЎЗИМ ТАЙЁРЛАДИМ, МАЗАЛИМИ?

КЕКС

3 дона тухумни сирли идишга солиб кўпиртирасиз. Унга 1 стакан шакар солиб яна кўпиртирасиз. 50 граммча юмшатирилган сарёғ ёки маргарин, 1 стакан қатиқ солиб аралаштирасиз. Бир пиёлага 1 чой қошиқда истеъмол содаси солиб озгина уксус билан эритасиз. Сўнгра буни ҳам қоришмага қўшиб аралаштирасиз. Ярим коса ун, майиз ҳамда ёнғоқ мағизи қўшиб ҳамир қорасиз. Ҳамирга 1 ош қошиқда какао солишингиз ҳам мумкин. Маҳсус қолипда (чудага) сарёғ суртиб, устига озгина ун сеппиб, ўртача оловда ярим соатча пиширилади.

ШИРИН КУЛЧА

3 та тухумни бир стакан шакар билан яхшилаб кўпиртирасиз. 1 стакан сут

ҳамда 1 чой қошиқ истеъмол содасининг уксусдаги эритмасини қўшиб, қуймоқниқидан қуюқроқ ҳамир қорасиз. Газ патнисига юпқа хитой қоғози солиб, устига ҳамир қуйиб, пиширилади. Тайёр кулча ўртасидан тенг иккига бўлиниб, орасига крем суртилади. Устини безатиш эса ўзингизга боғлиқ.

Крем учун: 250 грамм сарёғ ҳамда 1 дона қуюлтирилган сут керак бўлади.

УЙ ШАРОИТИДА КРЕМ ТАЙЁРЛАШ

1 стакан шакарга 2 та тухум солиб яхшилаб кўпиртирасиз. 1 стакан сут, 1 ош қошиқда ун қўшиб, паст оловга қўясиз. Аралаштириб турган ҳолда қуюлтирасиз. Иссиқ ҳолида 300 грамм сарёғ қўшиб аралаштирасиз.

САБЗИ ВА ЁНҒОҚЛИ САЛАТ

Сабзини артиб, қирғичнинг йирик томонидан ўтказасиз. Ер ёнғоқ ёки ёнғоқ мағзини майдалаб, бир чимдим туз ҳамда 1 банка майонез қўшиб яхшилаб аралаштирасиз.

ВИНЕГРЕТ

(лавлагили салат)

Ўртача катталиқдаги 2 дона лавлагини пишириб оласиз. 3-4 дона картошка, сабзини ҳам пишириб тўртбурчак шаклида майда қилиб тўғрайсиз, тузланган карамни ҳам майда тўғраб, яшил нўхат қўшиб аралаштирасиз. Яшил нўхатингиз бўлмаса, ловия ҳам солиш мумкин. Бунинг учун бир пиёлача ловияни сувга солиб, бир қайнаб чиққан сувини тўкиб ташлайсиз. Яна қайта сув солиб пишгунча қайнатасиз. Ҳаммасини аралаштириб, салат ёғи ёки қиздирилган ёғ, таъбга кўра туз соласиз.

Ўзингиз тайёрлаган бундай ширинликлар ҳамда салатлар байрам дастурхонингиздан жой олса, у янада тўкин бўлади.



Мана бу гулни қара-а...

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат

(Охири. Боши ўтган сонда).

Эсимда бизнинг қишлоқда Икром деган киши борлиги. Беш вақт номозини қанда қилмайдиган бу одам кураш тушишда, полвонликда танҳо эди. Қишлоқ тўйлари кўпинча курашсиз ўтмаслигини яхши биласиз. Мулла Икром дегани неча йил бел олишган бўлса-да, сира кураги ерга тегибди. Ёки бир жойга борган бўлса-да, фалон тўйда кураш бўлади, полвонлар келади, деган хабарни эшитса, ўша ерга элдан бурун етиб борарди. Гоҳ ҳакамлик қиларди, гоҳида томошабин. Қайси туманда қайси полвон яшашини ўша чол биларди. Ҳақиллари ҳам ота изидан бориб, курашга қизиқди. Яхши полвонлар бўлиб етишишди. Давраларда юрди. Қишлоқдагилар таъбири билан айтганда, зўрдан зўр кўп. Қўшни қишлоқда бўлиб ўтган бир тўйда Мулла Икромнинг ўгли мағлуб

мардники.
Сув қуйгандек жимлик бошланди. Қай бир юракда ҳадик, қайси бир қариндошда тапшиш. Давра ҳақами мулла Икром билан полвон йигитни ўртага чорлади. Жимликни чоллардан бири бузди:
— Боласининг йиқилганини кўрган қайси бир ота бош кўтариб юради, — деди чидаб туролмай.
Унга жавобан давра ҳақами чолга танбех берди:
— Бобой, керосинчилик қилманг.
Чиндан ҳам асаблар таранг эди. Бирорта одам бундай бўлишини хаёлга келтирмагани.
Давра ҳақами қўли билан "бошланг" деб ишора қилди. Одатий қўл олишдан кейин мулла Икром "е раббий" деб бургутдай қанот чиқариб, беписанд қўлини кўтариб келаётган йигитга чанг солди. Бухороча кураш бошланди. Мулла Икром йигитнинг

гапларни биздан олдин келганлар қиемига келтириб айтиб кетишиди. Биз ҳам бир нима дейишимиз керак эди. Топган гапимиз шу бўлди. Биз ҳам бизнинг мухлисингиз дейиш учун индоллони узоқдан бошладик. Зора, хуш ёқса деб.
Одил ака қора кўзойнак ортидан бизга қаради.
— Сизларни еш десак, кичик эмас экансизлар. "Тенгдошлар"ни ўқиган бўлсаларинг унда ешларинг нечада?
Биз кулдик.
— Одил ака, биз ҳам элликни коралаб кўйдик.
— Кўриниб турибди, — деди Одил ака. — Бола чақаларинг неча? Ҳабиб билан иккимиз болаларимиз сони, қаерда ўқиши ҳақида басма-басига ҳисобот бердик.
— Зўрсанлар-ку, — деди Одил ака.
Гап айланаб бориб ота бурчи, бола-чақа вазифасига бориб тақалди. Ана

сабаби, биз билан ҳар қадамда бебурдлик, елгон эргашиб юради. Эътибор бермасак, енгимиздан тортиб туради. Ҳатто бу қусурлар остонамиздан ҳатлаб ўтиб, уйимиз тўрига чиқиб олди.
Шоир Толиб Йўлдош бир ҳикояни жуда кўп айтиб берган. Эски Жўва томонда яшайдиган бир отанинг елгиз ўғли бўлиб, у бечора ҳам ногирон экан. Оёғи қийишқ, бош-кўзи беўхшов. Қарангки, ана ўша ота боласи мактабга борадиган бўлса, ундан олдин кўчага чиқиб, мактаб йўлигача бўлган масофани кўздан кеңирар, болам қоқилиб кетмасин деб, учраган тош парчаларини бир чеккага суриб қўяр экан. Ўғли мактабдан қайтишида ҳам шу хизматини тарқ этмас экан.
Сўз орасида оталар ҳам турланиб кетди. Мардликдан ҳеч вақо қолмади, дедим. Бунга дастали жавоб топгандек бўлдим.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

- Тўп-тўп кўп кўк копток, ҳар тўпда биттадан катта кўк копток.
- Жажжи жиблажибон жим-жит турарди.
- Бир чала чайла, бир чала чайла ёнида неча-неча чала чайла.
- Севара Салимага сўлиган саксон саккизта сариқ сабини совуқ сувга солиб саралаб санатди.
- Кичкинтой Карим Каримага кўп кўк кубикларни кўрсатди.
- Сайдахмад соат саккизта соат стрелкасини сурди.
- Олотлик Отақўзининг оти олдинда боряптими, олтўйлик Отақўзининг оти олдинда боряптими?

Сайдахмад Хўжаев,
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов
туманидаги 46-мактаб ўқувчиси.

Азиз-қувчилар

Сафар БАРНОЕВ

Публицистик ҳикоя

бўлиб, кураги ерга тегди. Даврада оёғини чалиштириб ўтирган мулла Икромнинг мўйлови тик бўлиб, аъзойи бадани учиб, бирдан ўрнидан туриб кетди.
— Шу бола билан мен бел олишаман, — деди яқтагани ечиб.
Мулла Икромнинг ёши бу пайтда олтимишдан ошган эди. Ҳақилни йиқитган йигит эса дарахт илдизини кўпурса, кучи етадиган навқирон.
Мулла Икромнинг тенглари унинг елкасидан босиб, тинчтишга уринишди.
— Мулла, ўзингизни босинг, шайтонга ҳай беринг. Энди йигитлик пайти қайтиб келмайди. Ўғлингиз бир марта қоқилган бўлса, яна йиқитади. Бу кураш-да, Ҳали худо хоҳласа тўй кўп, кураш кўп, — чоллар қаршида турган полвон йигитга ишора қилишди. — Мулла, бу кўриб турибсиз йиқитган бола авча полвон кўринади.
Полвон йигитни бошлаб келиб, унинг ғалабасидан қувонган ҳамқишлоқлари мулла Икром ҳаракатини кўриб масҳарамуз қулишди:
— Жиккакина чол бўлсаям, маҳмадона экан. Бодилигини қаранг.
Мулла Икром сўзида туриб олди.
— Мен худди шу йигит билан бел олишаман.
Мулла Икром яқтагани ечиб, улоқтирди. Белбоғини маҳкам боғлаб олдинга бир қадам босди. Қанотларини ёзиб, қани кел, дегандек ишора қилди. Бундан қўлдан қўлдан йигитга нимадир деди. Йигит келиб мулла Икром қаршисига тиз чўқди.
— Отажон, қўйинг, майли, мен йиқилдим. Сиз билан олишгани келганим йўқ. Бундан ташқари мен сизнинг соқолингизни ҳурмат қилман. Ҳўп денг, ота.
Мулла Икром орқага тисарилиди.
— Ҳўп, сен менинг соқолини ҳурмат қилмай қўяқол. Шаштимни қайтарма.
Тўпланганлар кўрдикки, мулла Икромни шаштидан қайтариш қийин. Ҳўпдан кўр, дегандек, ноилоҳ рози бўлишди. Давра ҳақами полвон йигитни имлаб қуллогига шивирлади.
— Ҳўп, Ҳўп — деди полвон йигит.
Мулла Икром бу шивирлашнинг нимага ишоралигини сезиб, атрофдагиларга, ҳақамга сўз отди.
— Курашда аяш йўқ. Майдон

ўнг қўлини маҳкам ўзига тортиб тезлик билан унинг гавдасини елкасига олиб, ерга кўтариб урди. Шундаям аламидан чиқолмай тиззаси билан йигит курагини босиб турди.
— Болам, йиқитиш мана бундай бўлади. Ҳали сен кураш нималигини билмас экансан. Хом экансан. Мана энди пишасан. Карам шўрванинг кучиям кетади.
Полвон йигитни бошлаб келган қўшни қишлоқ жамоаси уни даврадан кўтариб чиқиб кетмади. Бўйингача кипиқ ёпишган мағлуб йигит ҳеч кимга қарамай, бошини эгганча полвонлар сафини тарқ этди. Шу пайт тўйчи қаттақон қўчқорни етаклаб келиб ипини Мулла Икромга тутқаэди. Мулла Икром эса тўйчи берган қўчқор ипини ўғлига бериб, унинг елкасига қоқди.
— Тур энди. Йиқилган одам бошини эгиб ўтирмайди. Ориятли бўлади. Отанг йиқилганида хафа бўлсанг бошқа гап эди.
Чолнинг бу сўзи барчанинг этини жимирлатиб юборди. Ҳўп сапчиб ўрнидан туриб кетди. Шу кунги кечгача бел олиш давом этди. Энди мулла Икромнинг ўғли ўз ҳукмини юргизди. Барибир қанчалик қолиб бўлмасин, то уйга етгунча ўғил отасининг кўзларига ботиниб қарай олмайди.
Атоқли езувчимиз Одил Ёқубовга "Ўзбекистон халқ езувчиси" унвони берилган кун шоир дўстим Ҳабиб Саъдулла кўнгирик қилди.
— Сафар, Намангандан ҳозир келдим. Бирор ёққа кетиб қолма. Кутиб тур. Устоз Одил акани бирга кутлаб келамиз. Ёлгиз борма дедим.
Ҳабиб билан иккимиз Одил Ёқубовнинг уйига бордик. Езувчи дўстлари билан дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирган экан. Булар Саъдулла Караматов (рахматли), Иброҳим Гафуров, Исо Жабборов эди. Биз ҳам уларга қўшилиб яхши ниятларига шерик бўлиб ўтирдик. Одил ака бўлса одатдагидек дастурхонга ундайди, кўп ўтмай биздан олдин келган меҳмонлар қайтадиган бўлишди. Одил ака билан учлаламиз қолдик. Биз ҳам билганимизча мадҳу санолаб ўқидик. Сўз орасида у кишининг болаларга бағишлаб ёзган "Тенгдошлар" қиссасидан тортиб, то шу кунга қадар ёзган барча асарларини ўқиб боришимизни кистириб ўтдик. Чунки бошқа


шунда Одил ака юрагини очди.
— Дўстларим, "Улуғбек хазинаси", "Қўхна дунё", "Диенат" ҳам мен учун бир наво. Фақат бир нарсадан кўркаман. Риэки насиба тутаган бир кун дунедан кўз юмадиган бўлсанг, болаларим қабрим тепасида туриб, "Ота, бу дунёда муқофоту унвонларни кўп олдингиз. Обруни топдингиз. Фақат бизни бахтсиз қилиб кетдингиз", деб йиғламаса бўлди. Мен мана шундан кўркаман. Қолганлари ўткинчи дунё.
Устознинг бу сўзларидан кейин иккимиз ҳам бирдан ҳушер тортидик. Элу юрт таниган Одил акани шу ўй банд қилиб келса, биз болаларимиз ҳақида, уларнинг тақдирини ҳақида кун ора ўйлаймизми? Жавобгарлик ҳисси ҳар қадамда бизни таъқиб қилиб турадики? Наслу насабимиз олдидаги жавобгарлик-чи...
Ўғлим айтганларимни тинглар экан, дамба-дам менга қарар эди. Мен бўлсам унга китобий гапларни эмас, ҳаётий воқеаларни сўзлашдан чарчамасдим. Бундай ҳолат ҳар қадамда бўлади. Фақат юракни очиб учун вақти-соати етиб пишиши керак. Мен учун ана шундай фурсат етилиб келганди.
Қиз чиқариш маросими турли вилоятларда турлича ўтади.
Бухорои Шарифда унинг кўриниши бошқача. Қиз яшаб келган остонадан чиқар экан, энг биринчи отасининг кўксига бошини қўйиб, фотиҳа сўраб йиғлайди. Ота қизнинг бошини силаб, пешонасидан ўпиб оқ фотиҳа беради. Бахт тилайди. Қиз ана шундан кейин кузатувчилар қуршовида йўлга чиқади. Ота дуоси, ота розилиги унга бошқа хонадонда эркин яшашга умид тугдиради. Тушдан кейин ана шу ота кўзгу, офтоба кўтариб, қизини кўргани боради. Кўзгу — бу рўшнолик рамзи. Ойдин ҳаёт белгиси. Офтоба эса борган хонадон азизлари қўлига сув қўйиб, дуосини олиб тур дегани.
Отага тик қараган бола у дунё-бу дунё ҳеч нарсасига ёлчимайди, деган гап бор.
Илож қанча. Давру давронлар ўзгариб оталар ҳам турланиб кетди. Бикик-сикик яшайдиганлар кўпайди. Дийдаси қаттиқларни айтманг. Мардлик, орият, лабз деганларини болаларимизга ана энди эртақ қилиб айтиб бериб юрибмиз. Бунинг бош

Мисолни ўзимдан ола қолай. Бу тақдир бизнинг авлодга таниш. Отамиз оёққа турганида, ўзини таний бошлаганда болаларимизнинг бири қулоқ қилинди, бири салла ўрагани учун "босмачи" бўлиб қизиллар ўқига учди. Бу аламлар етмаганидек, ола хуржун бўйнига тушган оталаримиз иккинчи жаҳон урушига кетди. "Бедарак йўқолди" деган гаплар, қора хатлар қайтиб келди. Биз на бобо меҳридан, на ота меҳридан тўйдик. Ҳариб ўсдик. Ҳўзимизга ота бўлиш насиб этди. Аммо яна бир қатор хатар бостириб келди. Энди бизнинг болаларимиз Афғон урушида қатнашиб, тоғу тошлардаги долаларга айланаб қолди. Ҳеч бир замонда зурриёдлар бошига шунча аламу ситам тушмаган бўлса керак.
Энди биз болаларимизга қайси мардлигимизни ҳикоя қилиб берамиз. Соҳта қаҳрамонликни, бу қаҳрамонлик ким учун эди, эҳ-эх, бу саволларга жавоб излаш.
Яна ўзимга далда бераман. Буқилдик, зорландик, камситилдик. Лекин абад синиб кетмадик. Муҳими, кесилиб кетган тоғлар ўрнига гуҷум бўлиб қад кўтардик.
Мен сўнги аламдан чиқиб учун бир шеър қораладим: Майли бу охирги ва сўнги нолиш бўлсин.
Мана, ўша оҳларим.
Кўрмадик деб ота дейдорин,
Бизлар ўсдик.
Бирдай камсуқум.
У қолдирган эски рўзғорин,
Тутдай тўқиб
Кўп кўрди тузум.
Билмадик биз омад нимадир,
Ва отанинг насиҳатини.
Тақдиримиз боғлаб кимгадир,
Англамадик шу ниятини.
Йўлга чиқсак
Дуогўй чол йўқ.
Уйинг тўри доим бўлди бўш
Суяк котди
Гоҳ очу, гоҳ тўқ.
Мисли қўзғун қувиб юрган кун
Чикдигу бағримиз ғариб.
Қорачиққа ин қўйди ҳасрат,
Болалгимиз эртақ қариб
Кулгимиз ҳам кўринди ҳайрат.
Неварали бўлдик,
Сочда оқ.
Юракларда армонлар етим.
Қандай сўз у, азиз қиблагоҳ.
Етиб келган қарвонлар етим,
Го суюнсам,
Ёнсам, қуюнсам,
Ўраб олса эски оҳларим.
Биз ким бўлдик,
Сиз бўлмагангиз кам.
Дегум юртдош қиблагоҳларим!
Бундан кейин болаларимизга айтадиган гапларимиз кўп бўлади. Яхшилик, эзгулик уруғлари юраклар қатида ётсин. Энди уни жамлаш, алангалатиш, нурлатиш ҳар бир отанинг бурчи. Бурчини ҳис қилган отада мардлик ҳам, орият ҳам, Ватан туйғуси ҳам кучли бўлади.
Бу ҳислатлар қанча кўпайса, парвозимиз баланд, бошимиз сарбаланд бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, оталар тақдирини — юрт тақдирини демакдир.

«К» ҳарфли топшириқ

Азиз ўқувчилар! Шаклга «К» ҳарфи билан бошланиб «К» ҳарфи билан тугайдиган беш ҳарфли саккизта сўзни «занжир» ҳолида езиш билан топшириқни ҳал этинг.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.



Азиз фарзандимиз МАВ-ЛУДАХОН!
Сени тугилган кунинг, 13 баҳоринг билан самимий кутлаймиз! Сенга узоқ умр, сияҳт-саломатлик, ўқилларингда улкан зафарлар тилаб қоламиз.
Омад сенга ҳамшиша ер бўлсин!
Эзгу-ниятлар билдириб: онла аъзоларинг.
Усмоновлар оиласи.
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани,
5-даҳа, 7-уй, 24-хонадон.

Табриклаймиз!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВОД.

Таҳрир хайъати:
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тягсис етувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИҒОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Нашр кўрсаткичи: 64563